моқда, баъзи олий таълим муассасаларида эса кадрлар танлови (аукцион) ташкил этилмоқда.

2003 йил учун шакллантирилган «буортмалар портфели»га кўра, корхона ва ташкилотларнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжи 76 мингта иш ўрни экани белгиланган. Демак, 2003 йилда олий таълим муассасаларини битирган 35-36 минг нафар ёш мутахассисни ишга жойлаштиришда қийинлик бўлиши мумкинми? Аммо ишга жойлашганлик кўрсаткичлари ҳамма жойда ҳам бу муаммон тўлиқ ҳал этилмаганини кўрсатмоқда.

Масалан, ишга жойлаштирилган шундан, тошкент давлат техника университети, Тошкент тўқимачилик ва энгил санат, Тошкент молия, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт,

Бухоро озик-овқат ва энгил санат технология институтларида ўз фойдага яқин бўлган бир пайтда, Бухоро давлат университети, Тошкент фармацевтика институти, Тошкент вилоят давлат педагогика институти каби олий таълим муассасаларида эса битирувчиларнинг ишга жойлаштириш кўрсаткичлари анча паст даражада.

Таълим ислоҳоти

Тахассислар тайёрлаш масаласида талаб ва эҳтиёждан ташқари, олий таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳиятига ҳам эътибор бериш лозим. Истеъмолчи корхоналарнинг буортмалари реал бўлишига, яъни корхона ва ташкилотлар берган буортмага мувофиқ, ёш мутахассисларни иш ўринлари билан таъминлай олишига эришиш бугунги кундаги муҳим вазифадир.

Яна бир масала — юридик шахслардан тушаётган буортмалар ва тўлов-контракт асосида қабул қилинган талабалар кўрсаткичлари ҳам аслида берилмаётган буортмаларнинг ҳаётий асоси мустақам эмаслигини кўрсатаётганидир. Яъни, йилига 30-32 мингга яқин тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабанинг фақат 30 фоизигагина юридик шахслар томонидан маблағ ўтказилмоқда, қолган 70 фоиз талаба учун тўлов-контракт пуллари талабаларнинг ўзлари ёки уларнинг ота-оналари томонидан тўланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарори асосида таълим кредитлари бериш масаласи, афсуски, ҳамма вақт ҳам тўлиқ бажарилаётгани йўқ. Ҳозирда тўлов-контракт асосида ўқувчи 101283 талабадан фақат 1543 нафари (1,5 фоизи) таълим кредитлари олиб ўқимокда. Бу ҳол, назаримизда, тижорат банклари кредит олувчилар учун етарли даражада маслаҳат хизматини кўрсатаётгани оқибатида руй бермоқда.

Шунингдек, кадрлар буйича йирик истеъмолчи бўлиши корхоналар ҳомилиқ ҳаракатини амалга ошириши лозим. Чунки, тўлов-контракт асосида ўқувчи талабаларнинг аксарияти кон-

тракт пулларини ўзи тўлайди. Жисмоний шахслар томонидан тўловларни амалга ошира олмаслик баъзи ҳолларда иқтисодий талабаларни йўқотишимизга олиб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 198-сонли қарори асосида уч томонлама шартномалар тузишга алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Давлат гранти асосида ихтиёрли асосда тузилган ёш мутахассиснинг ишга жойлаштиришга қўмаклашиш буйича шартномалар тузилиши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Андижон давлат университети, Қўқон давлат педагогика институти каби олий таълим муассасаларида анча яхши йўлга қўйилган.

Ишлаб чиқариш билан бевосита ҳамкорлик ёш мутахассис олдига қўйилган талаблар ўқув жараёнида ҳисобга олинишига замин бўлади. Ёш мутахассис ишга жойлашганидан кейин фаолиятининг икки-уч йили давомида олий таълим муассасаси билан ижодий алоқада бўлиши ҳам ёш мутахассиснинг рақобатбардорлиги шариғат яратиши мумкин. Битирувчи ўз мутахассислиги буйича ишга жойлаштириш ва узоқ вақт ишлаб кетишини таъминлаш учун ҳам аввало ёш мутахассисни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмининг ҳамкорликда ишлаб чиқиш даркор деб ўйлайман.

Абдуҳамид МАМАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маркетинг хизмати бошлиғи,
иқтисод фанлари номзоди

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Фермер қувончи. Давлат-тижорат Ҳалқ банки Сирдарё вилоятининг Янгийер филиали ёнида фермер Вахобхўжа Почтаевни яхши кайфиятда учратиб қолдик.

— «Дийёр» фермер хўжалиғимиз ҳисоб рақами Ҳалқ банкининг Янгийер филиалида очилган. Ўтган йили фаолиятимизни кенгайтириганимиздан сўнг қишлоқ хўжалиғи техникасига эҳтиёжини миз ортди. Банкдан 2 та «Алтай» русули хайдов трактори сотиб олиш учун кредит сўрадик. Унинг малакали ходимлари сай-ҳаракат-

берди ота» ва «Жаббархон ота» фермер хўжалиқларига айланма маблағлар ҳамда қишлоқ хўжалиғи техникалари учун кредитлар берилиши жараёнини жуда қисқа муддатларда ҳал этилди. Ҳозир аҳолиси ҳамда 200 дан ортик хўжалиқ юртувчи субъектлар ҳамда тадбиркорларга кенг қўламли хизмат кўрсатаёти. Айниқса, Гулистон шаҳридаги Марказий дехқон бозори худудида жойлашган «Тараққиёт» минн банки фаолияти мактовга молик.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, Вазирлар Маҳкамасининг

ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ ҚАБИҲ РЕЖАСИ

АГАР У АМАЛГА ОШГАНДА 80 МИНГ БЕГУНОҚ ОДАМ ҚУРБОН БЎЛАРДИ

Террорчилик ҳаммаша ўзидан муддиш асорат қолдирган. Энг даҳшатлиси шундаки, террорчилар учун қон қанча кўп тўкилса, шунча яхши. Улар ёвуз ниетларини одатда одамлар кўп тўпнанадиган жойларда амалга оширишга уриндилар.

Яқинда террорчилар Иорданияда ҳатто кимёвий қуролни ишга солишмоқчи бўлишди.

Иордания хавфсизлик хизмати террорчиларнинг мамлакатда режалаштираётган қабих ниетини пучга чиқарди. Ироқдаги «Ал-Қоида» билан ҳамкорлик қилган Абу Мусаба ал-Заркави гуруҳининг жангарилари Оммонда кимёвий ҳужумни амалга ошириш пайида эди. Маҳаллий махсус хизмат вакиллари учун Ироқда Усама бин Лоднинг ишончли кишиси — ал-Заркавининг шахсан ўзидан 170 миң АҚШ доллари олганлигини ҳам эътироф этди. Ана шу пулларга 20 тонна портловчи модда сотиб олинган.

Қўлга олинган террорчилар гуруҳи бошлиғи Азми Жаю-

Жаюси ва яна тўққиз жангари қўлга олинган. Жангарилар маконидан террорчилик амалиётлари чоғида фойдаланиш режалаштирилган кимёвий моддалар топилган. Дарвоқе, бундан бир hafta муқаддам қўлга туширилган портловчи модда ортлган учта юк машинасида бирида заҳарловчи моддалар ҳам бор эди.

Иордания махсус хизматларининг таҳмин этишича, бундай хатарли юк контрабанда ёрдамида Суриядан олиб ўтилган.

Усама бин Лоднинг яқин сафдошларидан бири ва қатор террорчилик хуружларига алоқадор бўлган Абу Мусаба ал-Заркави боши учун АҚШ 10 миллион доллар микдоридики мукофотни эълон қилган. У ҳозир Ироқда яшириниб юрибди.

Алишер БЕК



15 ЙИЛДАН СЎНГ

Ливия етакчиси, полковник Муаммар Каддафи кейинги 15 йилда энди биринчи бор Фарбга, аникроғи, Брюсселга таширф буюрди. 1989 йилдан бери унинг таширфи фақат Африка ва Яқин Шарқ билан chegarалардир. Энди эса... Бунинг боиси, дея хабар беради Sky News, яқинда Буюк Британия бош вазири Тони Бларнинг Ливияга таширфи ва АҚШ томонидан Ливияга қарши жорий этилган иқтисодий жазо чораларининг айрим пунктлари бекор қилиниши натижасида муносабатларнинг бир оз бўлса-да, юмшаганлиғидир.

Каддафи таширф чоғида Европа Иттифоқи ихроия ҳокимияти етакчиси ва Еврокомиссия президенти Романо Проди, Еврокомиссия аъзолари ҳамда Бельгия бош вазири Ги Верхофстадт билан учрашади ва ўзаро муносабатлар, қурол савдоси буйича жорий этилган эмбарго бекор қилиш масалалари муҳокама этилади.

БАНКНИ МИЖОЗ ТАНЛАЙДИ

УНИНГ ҚЎНГЛИГА ЙЎЛ ТОПСАНГИЗ, БАС!

лари билан ҳайдов мавсуми бошлангунга қадар тракторларни олиб келиб, дала ишларини барвақт бажаришга ҳам улгурдик. Хўлас, ишларимиз юришиб кетди. Шу кунларда...

Тасдик. Ҳа, банк филиалининг аҳил жамоаси худуд аҳолисига ҳамда хўжалиқ юрттувчи субъектларга ўзининг намунали банк хизмати билан хўкуматимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳаётга кенг жорий этилишида катта ҳисса қўшмоқда. Вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва худуд иқтисодиётини такомиллаштириш йўлида жорий йилнинг биринчи чоғида қишлоқ хўжалиғи субъектлари ҳамда тадбиркорларга 100,0 млн. сўмга яқин миқдорда узоқ ва ўрта муддатли кредитлар ажратди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган «Арчасой», «Эгам-

банк муассасалари аҳолига 170,0 млн. сўмдан зиёдрок «Автокредит», «Комфорт» ва «Тўёна» кредитларини ажратди. Олий ва ўрта махсус билим юртларида таълим олаётган талабаларга даярили 20,0 млн. сўмлик таълим кредитлари белгиланди.

Бугунги кунда вилоят Ҳалқ банкининг жойларда 10 та (туман, шаҳар) филиали, 50 та шаҳочаси ва 5 та минн банки фаол ишлаб турибди. Кичик бизнес субъектлари ҳамда тадбиркорларга қўлайликлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 январдаги «Қишлоқ хўжалиғи корхоналарини молиявий мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Ш. Рашидов туманида «Қўшинор», Гулистон туманида «Бешбулок» минн банклари ташкил этилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 ок-

тябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Гулистон филиалида «Улугбек» минн банки ҳам иш бошлади. Ҳозир улар худуд аҳолиси ҳамда 200 дан ортик хўжалиқ юрттувчи субъектлар ҳамда тадбиркорларга кенг қўламли хизмат кўрсатаёти. Айниқса, Гулистон шаҳридаги Марказий дехқон бозори худудида жойлашган «Тараққиёт» минн банки фаолияти мактовга молик.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, Вазирлар Маҳкамасининг

2001 йил 18 апрелдаги «Аҳолига коммунал хизматлар кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, вилоят аҳолисининг коммунал хизмат кўрсатуви ташкилотлардаги мавжуд карздорликларини қисқартириш борасида уй-жой ширкатлари, маҳалла қўмиталари билан қалин ҳамкорлик ўрнатилди. Бунинг самараси уларок, 2002 йилда 640,0 млн. сўм миқдордаги коммунал тўловлар қабул қилинган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 1628 млн. сўмга етди. Бундан ташқари солиқ ва бюджет тўловлари миқдори ҳам 110,1 млн. сўмга ошди. Энг муҳими, бу маблағлар тегишли ташкилотларга вақтида ўтказиб берилди.

Рақамлар. Амалга оширилган ишлар якуни шунини кўрсатдики, нақд пул тушуми олдинги даврга нисбатан 2004 йилнинг 1-чорағида 218

Ироқда нима гап?

Ироқ Муваққат бошқарув кенгаши мамлакатнинг янги байроғи ва гербининг тасдиқлашди, дея хабар беради «Ас-Сабах» газетаси.

Унда ёзишларича, дастлаб расмлар томонидан байроқнинг 30 та тури тақдим этилган. Шундан 3 таси танлаб олинган ва Муваққат бошқарув кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йилигида расм Рифаат Ал-Чадарни ижодиёти махсули бўлиши янги байроқ тасдиқланди.

Байроқ қўрилиши оқ тусда бўлиб, унда ярим ой ва байроқнинг пастки қисмида горизонтал тарзда 2 та чизик, унинг ўртасида эса сариқ чизик акс этди. Манбаларда қайд этилишича, ярим ой шакли давлатнинг исломий характерини англаб, 2 та кўк чизик Тигр ва Фрут дарёлари рамзи, сариқ чизик эса Курдистон худудини намоян элади.

Кенгаш герб масаласида узоқ маслаҳатлашувлардан сўнг 1958 йили Абд Ал-Карим Қосим раҳбарлигида амалга оширилган мустақил тузумга қарши инқилобдан кейин қабул қилинган гербни давлат рамзи сифатида қайта қабул қилишга қарор чиқарди. Ушунда бу герб беш йилдан сўнг ҳукумат тепасига келган баас партияси томонидан бекор қилиниб, янги герб яратилганди.

Ироқда доир англиклардан яна бири шуки, Муваққат бошқарув кенгаши мамлакатда умумий сайловлар ўтказиш буйича янги қўмита тузилиши ҳақида маълум қилди. «Ат-Тахи» газетасида ёзишларича, келгуси йил январда умумий сайловлар ўтказиш вазифаси шу қўмита зиммасига юкланди.

Ҳар бир вилоятда қўмитанинг ваколатхоналари очилади.

Ушбу қўмита аъзоллигига турли партия ва ҳаракатлардан вакиллар сайлаш шу йил май охиригача якунланади.

Дарвоқе, яна бир гап. 18 апрелда Испания ҳукумати, 20 апрелда эса Гондурас ҳамда Доминикан Республикаси ўзининг Ироқдаги харбий контингентини олиб чиқиб кетишни маълум қилган эди. Ироқдаги иттифоқи кучлар таркибиди сон жиҳатдан учинчи ўринда турувчи Испания ўз қўшинларини олиб чиқишни бошлади. Бу жараён 30 июнгача якунланади. Уларнинг ўрнини энди Британия харбийлари тўлдирди, яъни яқин кунларда 2 миң харбий Ироққа жўнатилди. Шундай қилиб, Ироқдаги Британия харбийлари сони 10 миң нафарга етди.

«АСАКА ЁҒ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Асака ёғ» очик акциядорлик жамиятида 2004 йил 29 май куни 2003 йил якулига баришланган ҳўжалиқ-молиявий натижалари буйича йилнинг бўлиб ўтди.

Йилнинг жамият мажлислар залда соат 10.00 да бошланади. Йилнинг қатнашчилари соат 8.30 дан 9.30 гача рўйхатдан ўтиши сўралади.

Йилнинг қатнашчилари ҳўкукнига эга акциядорларнинг рўйхати 29 апрель ҳолатига кўра ёпилади.

Умумий йилнинг ўтказишда доир ахборотларини акциядорларнинг жамият кузатув кенгашидан олишлари мумкин.

Умумий йилнинг қатнашчилари масалалар:

1. Жамиятнинг 2003 йилдаги фаолиятини якулига ва режалари бажарилиши тўғрисида ҳисоботи. 2004 йилдаги вазифалари ҳамда бизнес-режаси ҳақида.

2. Жамиятнинг 2003 йилдаги ҳўжалиқ-молиявий натижалари буйича тафтиш комиссияси ҳисоботи, аудитор ҳўлюсасини тасдиқ-

лаш. 2004 йил молиявий натижалари буйича 2005 йилда ўтказилаётган тафтиш учун аудиторинг белгилади.

3. Соф фойдани тақсимланмаган фойда ҳисобига олиш ҳақида.

4. Жамият Низомининг янги таҳриридаги қўриқинини тасдиқлаш.

5. Кузатув кенгаши аъзоллигига сайловлар.


6. Бошқарув ҳайъати раиси билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш ҳақида.

7. Тафтиш комиссияси аъзоллигига сайловлар.

8. Жамият Низом фонднинг ошириш ҳамда эълон қилинган акцияларини чиқариш ҳақида. Жамият айланима маблағларини ошириш учун ҳиссада қимматли қўғозларини чиқариш ҳақида.

Жамият маънази: Андижон вилояти, Асака шаҳри, Бобур кўчаси, 5-уй.

«Асака ёғ» ОАЖ Кузатув кенгаши



Долзарб мавзу

Хали тонг оқармаган. Йўл четида тизилган тут дараклари дала қоровулларига ўхшайди. Эски машина уйдим-чукур йўлдан зўрга юриб борапти. Елкасига сумка осган болани кўриб, машинани тўхтатди. Танишдик. «Китоб» боғдорчилик ширкатининг Қайчили қишлоғилик Сардор Туропов бўлиб, 3-мактаб-интернатнинг 8-синфда ўқиркан. Дам олиш кўни қишлоғига, ота-онаси хузурига борибди, қолган вақт ётоқхонада туриб ўқиркан.

— Кишлоқларингизда ўрта мактаб бор-ку. Нега узоқ жойга қатнаб юрибсан?

— Мактаб-интернатимизда дарслар яхши ўтилади, — дейди Сардоржон биёнлик билан. — Мен масалан, тарих-хўққушнослик фанларини яхши кўраман. Биринчи кунлари кўниқолмагандим, ҳозир ўрганиб кетдим. Бошқа қишлоқлардан ҳам кўп ўқувчи келиб ўқияпти.

Машинада Сардоржон билан суҳбатлашиб, Жовли Турдиев номли хўжалиқнинг Гулистон қишлоғига етиб келдик. Иختисослашган 3-мактаб-интернатнинг директори Турсун Умаров пешвоз чиқди. Ёши олтинчига яқинлашган муаллим бутун куч ва иқтидорини мактабга, болаларни ўқитишга сарфлаб келаётган фидойилардан.

— Кишлоқда иختисослашган мактаб тузиш режаси тўксон тўққизинчи йилга келиб амалга ошди, — дейди Турсун Умаров. — 2002 йилнинг февралдан мустақил мактаб-интернатга айланди. Қори Ниёзий номли мактабнинг 320 ўринли қўш қаватли биноси саксон тўртинчи йилда қурилган. Пастчил, Уртачил, Гулистон қишлоқларидан 250-280 ўқувчи қатнайди. Бинонинг бир қисми 100 ўқувчига мўлжалланган мактаб-интернатга ажратилди. Ошхона бор. Кроватлар

кўтарилдики, буни илгари фақат орзу қилиш мумкин эди. Академик лицейлар, боғчагимназиялар, касб-хўнар коллежлари келажак пойдевори. Аммо мактаблар, ҳусусан, қишлоқ мактабларидаги шароит кўп ҳолда бугунги талабларни қондирилмаслиги ҳам рост. Мен узоқ йиллар бошланғич синфларга дарс берганман. Шунинг учун қомил ишонч билан айта оламани, мактаблардаги шароит ва ўқувчиларнинг малакаси жуда юқори бўлиши керак. Ўқувчи 1-9 синфларда яхши билим ололмас, коллежлардаги машғулотлари тўлиқ ўзлаштира олмайдими, Де-

А.Қодирий номли мактабнинг эски биносини бориб кўрган, аҳволни тузатиш юзасидан қимматли маслаҳатлар бергандилар. Ҳозир шу жойда замонавий мактаб биноси қад кўтарди ва ўқувчилар барча кулайликлардан баҳраманд бўлишмоқда. Хукуматнинг қарори билан Қамаш туманидаги зилзиладан зарар кўрган мактабларни тиклашга 12,5 миллиард сўмдан ошқ маблағ сарфланди. Бирок муаммо тўла ҳал бўлган эмас. Чироқчи, Яқкабоғ, Фузур, Деҳқонобод, Шахрисабз, Китоб ва бошқа туманларда юзлаб мактабларнинг биносига пу-


Шу кунларда вилоятда муаммолар ечими юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Янги мактаб лицей ва коллеж қурилиши ҳақида гап кетганида бир муаммо, аниқроғи иллат ҳали ҳамон давом этаётгани кишини ташвишга солади. Айрим мисолларга қарайлик. Биргина Фузур туманидаги технология-иктисод коллежини қуришда (қўшиб ёзишлар эвазига) 46,1 миллион сўм, 20-сонли мактаб қурилишида 16,8 миллион сўм бюджетга зарар келтирилган. Хаспўш-лаш керак эмас. Бу маблағ ўғирланган, талон-торож қилинган, жигилдонга урилган. Яна нима дейиш керак?

Вилоятдаги бир қанча коллежлар қурилишида бажарилмаган ишлар, қурилиш материалларига қўшиб ёзишлар юз берди. Қурилиш сифати ҳам қўлдан кетгунча бўлган биноларни энди таъмирлаш керак. Яна шундай қурилиш ташкилотларига янгидан қурилмаган мактабларни топшириб бўладими? Асло, йўқ ва йўқ! Турғи, вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича янги биринчи ўринбосари тайинланди. Айтишларича, яхши қурувчи, моҳир ташкилотчи экан. Бу жуда яхши. Бирок тендер танловлари ва қурилиш сифатига ўта катта масъулият билан ёндошилмас экан, аҳолини тубдан ўзгартариш қийин.

Ҳа, умумтаълим мактабларига муносабатда янги давр бошланганди. Президентимизнинг мактаб таълимини ривожлантириш тўғрисида қабул қилган Фармойиши бу соҳадаги ислохотларни янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилмоқда.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

БОЛАЛАР СПОРТИ



Томди туманидаги «Керегетау» наслчилик ширкат хўжалигида болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда хўжалиқда янги спорт майдончаси фойдаланишга топширилди. Болакайлар бундан жуда мамнун. Спорт майдончасида болаларнинг футбол, волейбол билан шуғулланишлари учун хўжалик маъмурияти барча шарт-шароитларни яратиб берган.

Суратда: ёш футболчи Жиенбек Қонисбаев. Сабир ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

ЯНА ТҮРТ ЙЎЛЛАНМА

Ўтаётган ҳар бир кун мамлакатимиз спортчилари учун янги муваффақиятлар саҳифасини очмоқда. Хитойнинг Шанхай шаҳрида эшак эшиш бўйича Афина олимпиадасига йўлланма берувчи навбатдаги Осиё чемпионати нихоясига етди. Унда қўшамизнинг ўттизга яқин давлатлари спортчилари голиблик учун баҳс юритди.

Чемпионатнинг 2000 метр масофага эшак эшиш баҳсларида сирдарёлик Владимир Черненко учинчи натижани кўрсатиб, бронза медалини қўлга киритди. Унинг ҳамшаҳарлари Руслан Наурузлиев, Сергей Богдановлар ҳам жуфтлик мусобақаларида кучли ўқилдан жой олишди.

Шунингдек, чемпионатнинг аёллар ўртасидаги баҳсларида андижонлик Елена Усарова бешинчи погонани баъд этди. Қўша мусобақасида муваффақиятли қатнашган юқоридаги тўртала спортчимиз ҳам чемпионат низомига мувофиқ, шу йил августда бўладиган XXVIII ёзги олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди. Эслатиб ўтамиз, ҳозиргача ҳамюртларимиз қўлга киритган олимпиада йўлланмалари сони 49 тага етди. Ер қурсининг энг нуфузли мусобақасига йўлланма берувчи халқаро турнирлар давом этмоқда.

«НЕФТЧИ» — «АЛ-АРАБИ» УЧРАШУВИ ҚАЧОН ЎТКАЗИЛАДИ?

Хабарингиз бор, Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида қатнашаётган Фарғонанинг «Нефчи» жамоаси кеча мусобақанинг кечиктирилган 3-тур учрашувда Қувайтнинг «Ал-Араби» футболчиларини қабул қилиши лозим эди. Бирок, Ўзбекистон Футбол федерациясидан олинган маълумотларга қараганда, бу ўйин муддати яна орқага сурилди. ОФК қарори бўйича «Нефчи» — «Ал-Араби» учрашуви 26 майда ўтказилмаган бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу жамоалар мусобақанинг тўртинчи турида Қувайтда куч синашди. Учрашувда мезбонларга омад кулиб боқди — 3:2. «Нефчи» футболчиларидан тўларни Умид Исоқов, Акмал Холматовлар киритди.

Фарғоналиклар чемпионлар лигасининг 5-турида 4 май кўни Эроннинг «Сепохон» жамоасини қабул қиладди. Бу жамоаларнинг Эрондаги учрашувда мезбонлар йирик ҳисобда (4:0) галаба қозонганди. Эркин ХОЛБОБО

МАКТАБЛАРГА МУНОСАБАТДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ

ҳақда нима дейсиз?

— Аввало, бу режа ҳақида эшитмаганман, — дейди Турсун ака анча ўйлангич турган. — Сиз тилга олган иختисослашган мактабларнинг бинолари яхши таъмирланган. Аммо мен бошқача фикрдаман. Мана, мактабимизга «Зарафшон», «Навбахор» ширкатлари (ҳозир фермерлар уюшмасига айланган), «Китоб» боғдорчилик хўжалиги ва бошқа ўнлаб қишлоқлардан болалар умид билан келиб ўқишапти. Агар 100 ўринли ётоқхона қурилса, барча муаммолар ҳал бўлади. Чунки қишлоқ болалари учун ҳам иختисослашган мактаблар керак. Яхшими-ёмонми, ҳозир мактабимиз фаолият кўрсатапти. Мен бошқа гапни айтмоқчиман. Президентимизнинг Фармойишини қайта-қайта ўқидим. Очиғи, бу ҳужжатни нихоятда орсиниб кутган-ди. Нега дейсизми? Қўлоқ солинг. Истиклол туфайли маориф ва таълим-тарбия жараёни шунчалик оқсакликка

мак, юқори малакали касб-хўнар соҳиб бўлиши ҳам осон кечмайди. Иморатнинг пойдевори мустаҳкам бўлиши шарт. Таълим ҳам шундай. Юртбошимиз мавжуд аҳволдан яхши хабардорлар, шунинг учун ҳам Вазирилар Маҳкамасидаги йиғилишда бу ҳақда шундай дедилар: «Шуни очик тан олишимиз кераки, умумтаълим мактабларининг бугунги ҳолати ва биринчи навбатда уларнинг моддий базаси бизни мутлақо қониқтирмайди...»

Умр мазмунини болаларни ўқитиш, баркамол инсонлар бўлиб етишишида, деб билган оддий қишлоқ мактаби жонқуяр ташкилотчиси Турсун Умаровнинг мулоҳазаларида ҳаёт нафаси уфуриб турибди. Чиндан ҳам мамлакатимиз раҳбарининг умумтаълим мактаблари аҳоли, ютүк ва муаммоларидан тўла хабардорликларига шак-шубҳа йўқ. Бундан икки йил бўрун Юртбошимиз Қамаш туманида

тур етган. Масалан, Яқкабоғ туманида зилзила туфайли бузиб ташланган мактабларнинг ўқувчилари мослаштирилган биноларда шуғулланаяпти. Чироқчи туманидаги 30-40 йил олдин паҳсадан тикланган йол-чор мактабларда ўқишга мажбур ўқувчилар олдига таълим стандартлари талабини қандай қўйса бўлади?

Қашқадарё вилояти ҳокими Нуриддин Зайниев 2003 йилнинг якуналари ва 2004 йилдаги вазифаларга бағишланган йиғилишда мавжуд аҳволни тўлиқ таҳлил қилиб берди. Масалан, ҳозир вилоятдаги 1088 мактабда 626 минг ўқувчи таълим оляпти. Мактабларнинг 287 тасида 1 сменада, 789 тасида 2 сменада, 12 тасида 3 сменада машғулот ўтиляпти. Мактабларнинг 386 таси мослаштирилган бинода, 503 таси тўлиқ таъмирлашга муҳтож ва 70 таси харабона аҳволда. Уларни компьютерлар билан таъминлаш даражаси 31,1 фоиз, холос.

ҳолга тушиб қолиши мумкин. Шунда у узоқ ҳолига ўзи уялади, қизариб-бўзарайди, изза бўлади, хижолат чекади, қилишни бетиға солсалар, ҳатто йиғлашгача бориб етди. Шундай экан, зинҳор бирорнинг устидан, бирорнинг ҳолига таъна қилиб қулма, кейин ўзинг уялиб қолсан», деган маънода айтадилар.

ОЛИМ БЎЛСАНГ — ОЛАМ СЕНИКИ

Кишини илм эгallaшга даъват этувчи, илми одамнинг беқиёс имкониятларга, афзалликларга эга эканлигини таъкидловчи мақол. «Олимга ўлим йўқ»; «Олим айтгани — олам айтгани»;

«Олим бузилса, олам бузилар» (Кейинги мақолда: «Шундай ўқимишли, доно, закий бўла туриб, олимки бузилибдими, олам албатта бузилади-да!» деган маънода муболага қилинган).

Ки ҳар ишники қилди одамийзод, Тафаккур бирла билди одамийзод.

Олим агар қатий амал айласа, Илмига шойиш амал айласа, Ани шараф гаҳарининг қони бил, Гаҳару нон, не десанг оми бил! (Навий)

Ҳикматли сўзлар маъноси

Олдин англа, кейин танла. Бу билан: «Хаётда ҳар бир нарсани танлашда — ўзингга умр йўлдоши, ўйингга келин, қизингга кўвё, доимий дўст, савҳатда йўлдош, гапирганда сирдош танлашда ёхуд бирор нарсани сотиб олишда унинг қимлигини, нималигини, қандайлигини обдон суриштириб бил, ўрган, кузат, у ҳақда ўйла, ақлинг билан англа, мушо-

Оларда саноғи тўққиз, берарда саноғи ўттиз

Бу билан: «Қаллоб, алдамчи, кўзбўямачи одам бирордан бир нарсани насияга олишда, сотиб олишда шойилмай, ховлиқмай, эс-хушини жойига қўйиб, янглишмай, битта-битталаб санаб олади, токи «ҳақим ке-

Олдин қулган — кейин йиғлар

«Олдин қулган — кейин уялар». Буни: «Бирорга ноўрин таъна қилган одам иттифоқо ўзи ҳам ўшандай

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! «ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади. Биржа савдоларга «Автоматон» савдо-ярмарка мажмуаси шўба хўжалик жамиятининг Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Янги Сирғали кўчаси, 3-уйда жойлашган автомажмуа ҳудудидидаги, майдони 18 кв.метрдан бўлган, қуйидаги товар турлари сотиш учун мўлжалланган турғун савдо дўконлари қўйилган: кийим-кечак ва пойабзал моллари; газмоллар; канцелярия моллари; электр ва хўжалик моллари; маиший кимё тозалаш моллари; озиқ-овқат моллари; «DAEWOO» авто-эҳтиёт қисмлари; автоулов аксессуарлари; чет-эл автоулов эҳтиёт қисмлари; «ГАЗ», «ВАЗ» ва «Москвич» авто-эҳтиёт қисмлари; авто лак-буёқ маҳсулотлари; автошина ва гилдираклар. Ҳар бир савдо дўконининг бошланғич баҳоси — 3000000 сўм. Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунидида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй. Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74; Сайт: www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! «ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади. БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН: Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган, майдони 1 642 кв.метр бўлган, «Нур» мажмуаси; Бошланғич нархи — 750 000000 сўм. Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Жанубий саноат ҳудуди КПД-5 ёнида жойлашган, «Промстройиндустрия» ОАЖнинг, қурилиши тугалланмаган монолит уй қурилиш базаси; Бошланғич нархи — 59921 772 сўм. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Франко кўчаси, 38а-уйда жойлашган «О'zdavlat'ta'limloyihaqurilish» МЧЖнинг 90 фозизлик давлат улуши, Бошланғич нархи — 1 514 250 сўм. «Руслан Шамшадӣ» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар: станок СМЖ-357, бошланғич нархи — 1 400221 сўм; станок токарно-револьверный 1Г 340 П, бошланғич нархи — 5 338 396 сўм. ШУНИНГДЕК, САВДОЛАРДА «ПАРКЕНТ ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ» ОАЖ ҲУДУДИДА ТУРГУН САВДО ДЎКОНЛАРИ ҚУРИШ ҲУҚУҚЛАРИ СОТИЛМОҚДА. Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунидида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй. Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74; Сайт: www.tshmbm.uz; Эл.почта: info@tshmbm.uz ва Birja@mail.tps.uz

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV. TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Asliddin RUSTAMOV, Azimjon AYUPOV, Aziz NOSIROV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV. MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI. BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifat, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda, MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.